6	Саҳифаларни тўлиқ ўлчамда жойлаштириш	16 бет	13	2	4	1
7	Пластинага ёзиш	1 пластина	800	3	9	120
8	Босиш машинасини босишга тайёрлаш	1 машинани созлаш	200	3	25	84
9	Ададни босиш	1000 варақ ОТТ	2000	3	7,5	250

3.2. Ускуналар сонини ҳисоблаш

Лойиҳани бажаришда ускуналар сонини қуйидаги формула билан аниқланади

$$M = \frac{T_n \cdot K_n}{T_p \cdot K_{вн}}$$

M – машиналар сони ҳисоби;

T_n – технологик жараёнларнинг меҳнат унумдорлиги, меъёр-соат;

T_p – эффектив вақт фондида машинанинг ишлаши, с;

K_n – технологик йўқотишларни ҳисобга олувчи коэффициент;

K_{вн} – бажарилган меъёрни ҳисобга олувчи коэффициент.

Машинанинг эффектив вақт фонди қуйидаги формула билан аниқланади

$$T_p = T_{реж} - (T_{рем} + T_{осм} + T_{т.о.})$$

T_{реж} – вақт фондининг режими, с;

T_{рем} – тамирлашда турган машинанинг ишсиз туриши, с;

T_{осм} – ускунани кўриқдан ўтишда туриб қолиш вақтлари, ч;

T_{т.о.} – ускунанинг технологик туриб қолишлари, ч.

Тамирлашда турган машинанинг ишсиз туриши қуйидаги формула билан ҳисобланади

$$T_{рем} = (T_k + T_t \cdot q_t) / T_{р.ц.}$$

T_к – ускунанинг капитал ремонтда ишсиз туриши, с;

T_т – ускунанинг жорий ремонтда ишсиз туриши, с;

q_т – тамирлаш циклида ускуналарнинг жорий ремонтдаги сони;

T_{р.ц.} – тамирлаш циклининг давомийлиги, йил.

Бир йил мобайнида текшириш натижасида ишсиз турган ускуналар қуйидаги формула билан аниқланади

$$T_{осм} = 11 \cdot t_{осм}$$

t_{осм} – текшириш давомийлиги, с;

11 – 1 йилдаги текширишлар сони.

Технологик тўхтатишлар вақти қуйидаги формула билан аниқланади

$$T_{т.о.} = D_{т.о.} \cdot [T_{реж} - (T_{рем} + T_{осм})] / 100$$

D_{т.о.} – технологик тўхтатишлар фоизи.

№	Жараён	Ускуна номи	Ускуна маркаси	Тн, н.ч	Кп	Кв.н	М
1	Матни киритиш	Компьютер	Pentium IV	28672	0,9	1,1	1
	Расмларни қайта ишлаш	Компьютер	Компьютер Pentium IV	3475			
	Дизайнни ишлаб чиқиш						
2	Саҳифалаш	Компьютер	Компьютер Pentium IV	45	0,9	1,1	1
	Саҳифаларни тўлик ўлчамда жойлаштириш	Компьютер	Компьютер Pentium IV	6			
3	Расм киритиш	Планшетли сканер	Сканер	695	0,9	1,1	1
4	Рангли нусха олиш	Струйный принтер	HP DesignJet 9000s	152	0,9	1,1	1
5	Пластинага ёзиш	Рекордер	CRON 8-up	840	0,9	1,1	1
6	Босиш машинасини босишга тайёрлаш	Варақли офсет босма ускунаси	RYOBI 920	1848	0,9	1,1	1
	Ададни босиш						

3.3. Талаб этиладиган ишчилар сони қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$R_{яв} = M \cdot m \cdot Ш$$

m – ишчилар сменаси;

Ш - штат бирлиги ;

M – машиналар йиғиндиси ҳисоби;

$R_{сп} = R_{яв}(1+k)$

$R_{сп}$ – Рўйхатдаги ишчилар;

k = 0,14 ишга чиқмаган кунлар коэффиценти

№	Жараён	Ускуна маркаси	M	m	Ш	R _{яв}	R _{сп}
1	Сканер	Сканер	1	1	2	2	2,28
2	Компьютер	Компьютер Pentium IV	2	1			
3	Принтер	HP DesignJet 9000s	1	1			
4	Термал рекордер	CRON 8-up 46	1	1	1	1	1,28
5	Варақли офсет босма ускунаси	RYOBI 920	1	1	2	2	2,28
						5	5,84

Талаб этиладиган материаллар ҳисоби

Материал	Қўлланилиши	ҲБ сони	Сарф меъёри		Талаб этиладиган материаллар миқдори
			Ҳисоб бирлиги	Материал миқдори	
Офсет қоғози	Иш юритиш қоғозлари	7 000 000	1 м ² 1 варақ 60x84	60 г 32,28г	8200 кг
Бўрланган қоғоз	Китоб	1 250 000	1 м ² 1 варақ 60x90	90 г 48,6 г	60750 кг
Бўрланган қоғоз	Каталог	500 000	1 м ² 1 варақ 60x84	90 г 45,36 г	22680 кг
Офсет қоғози	Рисола	1 000 000	1 м ² 1 варақ 60x84	70 г 35,28 г	35280 кг
Термал офсет пластиналари	Босма қолип тайёрлаш учун	5600	1 пластина 650x550	1,05	5880
Офсет резина	Офсет цилиндрлари учун	48	1 маш.сек.см.мес	0,6 дона	28,8 дона
Босиш бўёқлари Ҳаворанг Қирмизи Сарик Қора	Босиш учун	12500	1000 қр. отт. 60x90 см	84г 84г 84г 60г	1050 кг 1050 кг 1050 кг 750 кг

3.4. Бўлимнинг майдонини ҳисоблаш

Цех ва ишлаб чиқариш майдонларини ҳисоблаш йириклаштирилган ҳолда қуйидаги формула бўйича амалга оширилиши мумкин:

$$S_u = 1,25 \times K_{ust} \times \sum S_m$$

S_m - ускуна бирлигини эгаллаган майдон, м²;

$K_{ust}=3,6$ кўшимча майдонларни ҳисобга олувчи тўғрилаш коэффициенти;

1,25- зинапоя майдонлари, маиший-хизмат хоналарини ҳисобга олувчи коэффициент

№	Ускуна русуми	Сони (дона)	Габаритлари (УхЭ)	Ускуна эгаллаган майдон
1	Планшетли сканер	1	2000x1600 1 та	3,2
2	Компьютер	1		
3	Принтер	1		
4	Термал рекордер	1	1895 x 1140	4
				7,2
5	Варақли офсет босма ускунаси	1	5874 x3010	18
				24

Бўлим бошлиғи хонаси	18 м ²
Материалларни тайёрлаш бўлими	18 м ²

Босишгача бўлган бўлимнинг майдони

$$S_y = 1,25 \times 3,6 \times 7,2 = 27 \text{ м}^2$$

Босиш бўлимнинг майдони

$$S_y = 1,25 \times 3,6 \times 18 = 81 \text{ м}^2$$

Умумий талаб қилинадиган майдон 144 м²

III. ИҚТИСОДИЙ ҚИСМ

Бизнес режа корхонани стратегик истикболени белгилаб берадиган асосий ҳужжат ҳисобланади ва уни 3-5 йилгача тузишни тавсия этилади.

Бизнес режани биринчи ва иккинчи йилларига кўрсаткичларни кварталларга тақсимланган ҳолда, берилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади ва фақат учинчи йилдан бошлаб йиллик кўрсаткичлар билан чегараланиши мумкин. Бизнес режа қуйидаги асосий масалаларни ҳал этади:

- тадбиркорларга корхоналар стратегиясини ишлаб чиқиш учу насос бўлибгина қолмай, уни муваффақиятли амалга ошишига кафолат ҳам беради;

- бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш, тартибга солиш ва бажарилишини назорат қилишнинг асосий қуроли бўлиб ҳизмат қилади;

- тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш жараёнида тўсатдан юзага келган салбий ҳолатлар юзасидан тадбиркорларни огоҳлантиради ва уларни ўз вақтида бартараф этиш тадбирларини ишлаб чиқишга ёрдам беради;

- тадбиркорлик фаолияти юзасидан банклар, инвесторлар ва қарз берувчиларга тегишли маълумотлар олишга имкон беради.

Бундан ташқари бизнес режа тузиб чиқишнинг иккита асосий сабаби мавжуд:

- ташқаридаги сармоядорларни сизнинг бизнесингизни мақсадга мувофиқлиги ҳақида ёки судда беришга ишонч ҳосил қилдириш;

- кўзланган мақсадни сақлаб қолишга ёрдам бериш, тўсатдан юзага келган ҳолатларда танланган мақсаддан воз кечмасликни таъминлаш.

Бизнес режа у бошқарувчига тинчлик ҳолатларини тўғри баҳолаш имконини беради ва ундан олиб чиқиб кетиш йўлларини кўрсатади. Бу ўз навбатида бошқарув самарадорликни ортишини характерлайди.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, бизнес режа тадбиркорларни иш қуроли бўлиб, ривожланаётган кичик-ўрта бизнес, фирмалар фаолиятида катта аҳамиятга эга. Бизнес режа ҳақида гап юритишдан олдин бизнесни баҳолаш бош ролини ўйнайди. Бу ерда шулар таъкидланган.

Асосий ва ёрдамчи хомашё сарфи ҳисоби

№	Ашёлар номи	Сарф нормаси		Материал миқдори	Нархи, сўм	Йиғиндиси, минг сўм
		Ҳисоб бирлиги	Сони			
1	Офсет қоғози	1 м ² 60x84	60 г 35,28	8200 кг	8450	216020
2	Бўрланган қоғоз	1 м ² 60x90	90 г 48,62	60750 кг	9600	340200
3	Бўрланган қоғоз	1 м ² 60x84	70 г 45,36	22680 кг	9600	127008
4	Офсет қоғози	1 м ² 60x84	70 г 45,36	35280	8450	86436
5	Термал офсет пластиналари			5880	17000	64680
6	Офсет резина			28,8 дона	210000	6048
Босма бўёқлари						
	Ҳаворанг			1050 кг	25000	26250
	Қирмизи			1050	25000	26250
	Сариқ			1050	25000	26250
	Қора			750	18000	13500
	Жами					1025322
	Ҳисобга олинмаган материаллар					10253,22
	Жами					1035575

Энергия сарф-ҳаражатлари

1. Ишлаб чиқариш бўлимларини иситиш умумий тармоқ орқали мавсумий.

2. Ишлаб чиқариш бўлимларини ёритиш ҳаражатлари

$$\mathcal{E}_{\text{осв}} = N_{\text{осв}} \cdot T_{\text{осв}} \cdot D_{\text{осв}} \cdot S_m \cdot \mathcal{C}$$

$N_{\text{осв}}$ – ёритиш нормаси 0,044 кВт соатига

$$T_{\text{осв}} \cdot D_{\text{осв}} = 2026$$

\mathcal{C} – электр нархи 194 сўм

$$\mathcal{E}_{\text{осв}} = 0.044 \cdot 2026 \cdot 144 \cdot 194 = 1668.775 \text{ минг сўм}$$

$$\mathcal{E} = \mathcal{E}_{\text{тн}} + \mathcal{E}_{\text{осв}}$$

$$\mathcal{E} = 1668.775 + 5927.13 = 7095.9$$

$$\mathcal{E}_{\text{тн}} = 41034 / 0.9 \cdot 155.40 = 5927.13 \text{ минг сўм}$$

3. Жихозларнинг электр энергия сарф ҳисоби

№	Ускуналар номи	Ускуналар сони	Тн	кВт соат	Умумий сарф
1	Pentium IV	2	1850	0,3	555
2	Сканер	1	1620	0,2	324
3	Принтер HP DesignJet 9000s	1	1620	1,8	2916
4	Терморекордер CRON 8-ур 46	1	1750	8,1	14175
5	RYOBI 920	1	1860	12,4	23064
	Жами				
	Электр энергия сарфи қиймати				Σ 41034 Минг сўм

Дастгоҳлар амортизация ҳисоби

№	Ускуналар русуми	сони	Уску- налар бахо- си, минг сўм	Ўрнатиш ҳаражати, минг сўм	Ускуна умумий нархи, минг сўм	Аморти зация нормаси	Амор- тизация ажрат- малари, минг сўм
1	Pentium IV	2	1600	-	3203,2	20%	640,6
2	Сканер	1	1144	-	1144	20%	228,8
3	Принтер HP DesignJet 9000s	1	4000	-	4000	20%	800
4	Терморекор- дер CRON 8-up 46	1	210400	42080	252480	15%	37872
5	RYOBI 920	1	2059200	411840	2471040	15 %	370656
	Жами						410197

Мехнат ва иш ҳаққини режалаштириш

Цех персоналии иш ҳаққи

№	Лавозимлар сони	Ойлик иш ҳақи, сўм	Штат бирлиги	Йиллик иш ҳақи фонди, минг сўм	Ҳар хил тўловлар минг сўм
1	Директор	1000 000	1	12000	3600
2	Технолог	900 000	1	10800	3240
3	Бухгалтер	800 000	1	9600	2880
	Жами		3	32400	9720
					42120

Ёрдамчи ишчилар иш ҳақи ҳисоби

№	Касби	Сони	Ойлик иш ҳақи, сўм	ИХФ асосий минг сўм	Қўшимча тўлов минг сўм	Йиллик иш ҳақи фонди, минг сўм
1	Таъмирловчи	1	700 000	8400	2520	10920
2	Фаррош	1	300 000	3600	1080	4680
	Жами	2				15600

Асосий ишчилар иш ҳақи ҳисоби

№	касби	Рўйхат-даги сони	Раз-ряди	Тариф ставкаси, сўм	Ойлик иш ҳақи, сум	Иш ҳақи фонди, минг сўм	Мукофот, минг сўм	Умумий иш ҳақи, минг сўм
1	Оператор	2	5	5363,39	905000	217720	6516	28236
3	Босувчи	1	6	5851,8	987000	11844	3553	15397
4	Босувчи	1	5	5363,39	905000	10860	3258	14118
5	Зарядчик	1	3	4452,04	750000	9000	2700	11700
	Жами	7						84848

Ишлаб чиқариш моддий сарф-ҳаражатларини якуний жадвали

№	Сарф-ҳаражатлар	Микдори, минг сўм
1	Хом ашё ва материаллар	1035575
2	Инвентарларнинг емирилиш ҳаражатлари	24710,4
3	Ишлаб чиқариш характеридаги биноларни сақлаш ва иситиш ҳаражатлари	1189,7 3384,0
4	Ишлаб чиқариш биноларини орий таъмирлаш ҳаражатлари	4118,4
5	Электр энергия сарф-ҳаражатлари	5927,13
	Жами	1074904,63

Мехнатга ҳақ тўлаш ҳаражатлари

№	Сарф-ҳаражатлар	Микдори, минг сўм
1	Асосий гуруҳ ишчиларига тўланадиган ҳақ	84848
2	Ёрдамчи гуруҳ ишчиларга тўланадиган ҳақ	15600
3	Цех персоналига тўланадиган иш ҳақи	42120
	Жами	142260

Амортизация ажратмалари сарф-ҳаражатлари

№	Сарф-ҳаражатлар	Микдори, минг сўм
1	Дастгоҳлар амортизацияси	410197
2	Бино ва иншоотлар амортизацияси	1980
3	Ишлаб чиқариш характеридаги транспортлари амортизацияси	4101,97
	Жами	416278,97

Маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархининг якуний жадвали

№	Сарф-ҳаражатлар	Жами таннархи	Сарф ҳаражатлар улуши %
1	Ишлаб чиқариш материал сарф-ҳаражатлари	1074904,63	65
2	Ишлаб чиқаришдаги меҳнатга тўланадиган ҳаражатлари	142260	8.6
3	Ижтимоий суғуртага фонди ажратмалари	27677	1.5
4	Асосий фонд амортизацияси	416278,97	24.1
5	Бошқа ҳаражатлар	16295,68	0.8

	Жами	1645964,28	100%
--	------	------------	------

Давр харажатлари

№	Сарф-ҳаражатлар	Салмоғи, %	Миқдори, минг сўм
1	Бошқариш харажатлари	25	1245,4
2	Девонхона харажатлари	5	249,09
3	Ишлаб чиқариш боғлиқ хизмат сафарлари харажатлари	8	398,54
4	Бошқарув биноларини сақлаб туриш харажатлари	15	747,27
5	Ишлаб чиқаришни бошқариш ва ривожлантириш харажатлари	12	597,82
6	Умумкорхона лабораторияларини сақлаш харажатлари	8	398,54
7	Янги технология, янги маҳсулот турларини ўзлаштириш харажатлари	9	448,36
8	Маркетинг изланишлари харажатлари	8	398,54
9	Бошқа умумхўжалик харажатлар	10	498,186
		100%	4981,86

Режали маҳсулот калькуляцияси

№	Сарф-ҳаражатлар	Миқдори, минг сўм
1	Ишлаб чиқариш моддий ҳаражатлари	1074904,63
2	Ишлаб чиқариш характеридаги меҳнатга ҳақ тўланадиган ҳаражатлар	142260
3	Ижтимоий суғурта ажратмалари	27677
4	Асосий фондлари амортизацияси	416278,97
5	Ишлаб чиқариш характеридаги бошқа ҳаражатлар	16295,68
6	Маҳсулот таннархи	1645864,28
7	Давр ҳаражатлари	4981,86
8	Мулк солиғи	95615,352
	Жами	1746461,49
9	Маҳсулот улгуржи нархи	2270399,9
10	Ялпи фойда	523938,44
11	Рентабеллик	30%
12	Даромад солиғи	41915
13	Инфратузилма солиғи	38561,8
14	Соф фойда	443462

Корхона фаолияти техник иқтисодий кўрсаткичлари

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Миқдори
1	Маҳсулот улгуржи нархи	Минг сўм	2270399,9
2	Натурал ўлчамда маҳсулот ишлаб чиқариш	Минг адад	2250
3	Рўйхатидаги ходимлар сони жумладан ишчилар	Киши	11
		Киши	8
4	Жами иш ҳақи фонди жумладан ишчилар НХФ	минг сўм	138788
		минг сўм	110708
5	1 ишловчининг ўртача иш ҳақи	Сўм	950000
6	Маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш ҳаражатлари	Минг сўм	1746461
7	1 сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш учун кетган ҳаражат	Сўм	
8	Соф фойда	Минг сўм	443462
9	Асосий фондлар	Минг сўм	2731867
10	Маҳсулот рентабеллиги	%	30
11	Қоплаш муддати	Йил	6

IV. МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ ВА ЭКОЛОГИЯ МАТБАА УСКУНАЛАРИНИ ҲАВФСИЗЛИГНИИ ТАЪМИНЛАШ

1. Матбаа ускуналарини яратишда меҳнат ҳавфсизлигини таъминлаш шартлари ва техник эстетика

Ишлаб чиқариш ускунасининг ҳавфсизлиги – бу ҳужжатларда белгилаб қўйилган норматив-техник талабларни, жиҳозга буюрилган функцияларни бажариш вақтида меҳнат ҳавфсизлигини таъминлаш деганидир.

Ускуна ҳавфсизлик талаблари уни лойиҳалаштирилаётганда, техник вазифаларни белгиланаётганда этиборга олинади. Эскиз ва ишчи лойиҳасини ишлаб чиқишда, нусхасини тажрибадан ўтказишда ГОСТ 15.001 – 73 “Ишлаб чиқаришда маҳсулотни ишлаб чиқиш ва ишлов бериш. Асосий қонун” га мувофиқ уни сериялаб ишлаб чиқаришга юборилади. Ҳавфсизлик талаблари – меҳнат ҳавфсизлиги стандартларига мувофиқ амалга оширилади. Ишлаб чиқариш ускунасида умумий ҳавфсизлик ГОСТ 12.2.003 – 74 (СТ СЕВ 1085 – 78) га мувофиқ аниқланади.

Ишлаб чиқариш ускунасининг ҳавфсизлиги куйидаги усуллар билан таъминланади: ускунанинг ҳаракатланиши принципларини тўғри танлаш, тузулма схемаси, тузулма элементлари ва механик асбоблардан фойдаланиш; автоматизация ва масофадан бошқариш; тузилмадаги ҳимоя воситаларидан фойдаланиш; эргономик талабларини бажариш; монтаж ишлари ва техника ҳужжатларининг ҳавфсизлик талабларига мослиги, фойдаланиш, таъмирлаш, жўнатиш ва сақлаш, тузулмага мувофиқ зарарсиз ва ҳавфсиз материаллардан фойдаланиш.

Ишлаб чиқариш ускунасининг таркибий қисмларида яъни, сим, кабел, узоқ масофага қувурлар ёрдамида суяқлик ёки газ етказиб берадиган иншоот

(трубопровод) шундай аниқлик билан ҳисобга олиниши керакки, фавқулотда зарар кўриш ҳавфидан мустасно бўлиши шарт.

Ишлаб чиқариш ускунасининг тузулмасида газовопневмо, гидро ва паросистемалар бу тузулма учун талаб қилинган ҳавфсизлик талабларига жавоб бериши лозим. Агар ускунанинг ҳаракатланувчи қисмларида ҳавф туғдирувчи манбаа бўлса, белгиланган функцияларни бажаришга тўсқинлик қилмайдиган, маълум қисмлардан ташқари, ҳимоя воситаларини ўрнатиш лозим.

Ускуна тузулмаси ўзида тор бурчаклар, қирралар ва нотекис юзаларни акс эттирмаслиги керак, агар улар жиҳознинг вазифаларини амалга оширишга тўсқинлик қилмаса. Чунки улар ҳавф манбаидир. Ускунанинг тузулмаси унда ишлаётганларнинг иссиқ ёки қаттиқ совутилган қисмларга тасодифан тегиб кетиш имконини бартараф этиш лозим. Ускунага ажратилган ва сингдирилган иссиқлик, ундан ажралиб чиқадиган зарарли нарсалар ва буғлар белгиланган иш майдончасидан ошиб кетмаслиги керак.

Зарур бўлган ҳолларда эса (ускуна носоз бўлган ҳолларда) уни энергия манбааларидан автоматик равишда узиб, тўхтатиб қўядиган восита ўрнатилган бўлиши талаб этилади.

Ускунага ўрнатилган тормоз воситаси ҳавфсизликни таъминлаши керак. Ускунанинг ишчи қисмларини, шунингдек ушловчи қисқич ва кўтаргич қурилмаларини ёки уларнинг узатмаларини, энергия ташувчи яъни электр токини узатиш тўлиқ ёки қисман тўхтатилган ҳолда, ҳавфнинг юзага келишини олдини олувчи воситалар билан таъминланиши лозим, суюқлик (гидротизимларда), сиқилган ҳавони эса шу қурилмаларнинг узатмаларига, энергия ташувчиларни узатишини тиклаш, вақтида ишчи қисмларнинг узатмалари ўз-ўзидан ишга тушиб кетишини олдини олувчи воситалар билан таъминланиши лозим.

Ускуна тузилмасида электр токи ҳавфидан ҳимоя қиладиган восита (ишчиларнинг нотўғри ишлаши натижасида) қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

- ускунанинг ток берувчи қисмлари – ҳавф солувчи манбаалари етарли даражада ихоталаниши (ёки ҳимоя панжаралари билан ўраб қўйилиши) ёки инсонлар учун маън қилинган жойда бўлиши керак;
- агар электр ускунанинг ток билан ишлайдиган очиқ қисмлари бўлса, уларни ғилоф билан ҳимоя қилинадиган, эшиги ёпиладиган корпус (шкаф, блок) ичига ўрнатилиши шарт (инсонлар учун ҳавфсиз жойларга ўрнатилади);
- ускуна тузулмасида электр занжирларини асосий ток билан таъминлайдиган манбаадан узиб қўйиш воситаси бўлиши керак;
- ускунанинг металл қисмлари ерга уланган бўлиши керак;
- ишлаб чиқариш ускунасининг тузилмасида ҳавфли бўлган ток кучланишидан ҳимоя қиладиган махсус восита ўрнатилиши шарт ва бу махсус восита ускунада қолган электр зарядлари ҳавфидан ҳалос этиши зарур;
- ускуна тузилмаси регламентда белгиланган шовқинларни, ултратовуш, инфратовуш ва титрашларни меъёрида бўлишини таъминлаши керак;

Матбаа ускунаси лойиҳалаштирилаётганда аввало, меҳнат ҳавфсизлигини сақлаш шартлари ҳисобга олинади. Ҳарф терувчи, қолип, босма ва брошюралаш-муқовалаш ускуналарининг тузулмаларида ҳавфсизлик ГОСТ 12.2.031 – 78 талабига мувофиқ таъминланади.

Конструктор инсоннинг асаб тизимига шикаст етказмайдиган, зўриқтирмайдиган ва чарчатмайдиган ускуналарни яратишга интилиши зарур. У ёки бу иш жараёнига қанчалик энергия кам сарф этилса, шунчалик ишчининг толиқиши камаяди ҳамда ҳарф қабул қилишда қусурлар камроқ бўлади.

Мисол тариқасида, қоғоз тўпламларини қоғоз қирқиш машинасига етказиб берадиган ускунани келтириш мумкин. Бунда, қирқиш жараёнида сарф этиладиган энергия максимал даражага қисқаради. Қоғоз тўпламини кўтариб берувчи ускунасиз ишчи нихоятда оғир жисмоний меҳнатни амалга оширади, чунки у бевосита ускуналарга қоғоз қўйиши ва ундан олиши керак эди. Қоғоз

тўпламини кўтариб берувчи машинани бошқараётган ишчи куйидаги функцияларни бажаради, яъни қоғоз тўпламини талер машинасига қоғоз тўпламини кўтариб берувчи машинадан олади, кейин тайёр қирқилган қоғозни талердан яна қоғоз кўтариб берувчи машинага қайтаради.

Инсон саломатлигини асраш ва меҳнатнинг юқори самарадорлигига эришиш учун одамнинг физиологик, психофизиологик ва рухий имкониятларига мос техник асбоб – ускуналар билан таъминлаш мақсадга мувофиқдир.

Ишлаб чиқариш ускуналарига бўлган умумий эргономик талабларни тартибга солиш ГОСТ 12.2.049 – 80 да белгилаб қўйилган. Конструкторлик ишлаб чиқаришга кирувчи махсус техник ва тиббий-техник воситалари (тўсиқлар, экранлар, вентиляторлар ва бошқалар) зарарли ва ҳавфли ишлаб чиқариш факторларини бартараф этиш, камайтириш жараёни ишчиларнинг меҳнат фаолиятини мураккаблаштирмаслиги зарур.

2.Ускунанинг ташқи шакли, кўриниши ва ёрдамчи қисмларини жиҳозлаш

Ускунанинг замонавий архитектура талабларига мос равишда жиҳозлаш яъни оддий, турли геометрик шаклларни ифодалаш хусусиятига эга бўлиши тавсия этилади. Булар – тўғрибурчаклар, кесмабурчаклар, пирамида ва ўткирқиррали ёки бурчаклари айланасимон элементлардир. Ишлаб чиқариш ускунаси тузулмасига киритилган иш жойлари ишлаш учун ҳавфсиз ва қулай бўлиши керак.

Ускунада ишчилар хизмат кўрсатиши билан боғлиқ бўлган кўчишлар, тузулмада кўрсатилганидек ҳавфсиз ва қулай йўлакчаларга, иш майдонлари, зиналар ва панжаралар иш учун мослаштирилган бўлиши керак. Зиналар ва майдончалар тўшамаси махсус материалдан ёки ғадир-будур бўлиши мақсадга мувофиқдир. Ўтирғичлар эргономика талабларига мувофиқ ўрнатилади. Эксплуатация қилиш шартларига мувофиқ, ишлаб чиқариш ускунаси таъминоти маҳаллий шартлардан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

Ишлаб чиқариш ускунаси тузулмасида иш жараёнидан келиб чиқадиган зарарли, портловчи ёки ёнувчи моддалардан тозаловчи восита ёки ускуналар бўлиши керак. Зарур бўлганда ҳавfli моддаларни зарарсизлантирадиган восита ускуна тузулмасида бўлиши талаб этилади.


3. Ускунанинг бошқарув қисмлари ва хизмат кўрсатиш майдонларини ташкил этиш

Иш жарайонида инсон турли вазифаларни бажаради. Шунинг учун ускунани лойиҳалаштирилади, инсон физиологиясини ўрганган ҳолда, ускуна инсон учун қулай бўлиши керак. Шу мақсадда: иш вақтидан унумли фойдаланиш, иш вақтида инсон энергиясини камроқ сарфланишини таъминлаш, иш давомийлигини аниқ белгилаш, ишни бажариш учун ишчига аниқ вазифа бериш, иш жойида ишни юқори даражада ташкиллаштириш, тўғри иш мебеллари ва асбоблар билан таъминланиши керак.

Инсонда мувозанатни, двигател аппаратини анатомия ва физиологиясини биомеханика фани ўрганади. Иш майдончасида жойлашган двигателни аппаратининг мотор қисмида жойлашган бошқарув қисмларининг лойиҳалаштириш қуйидагича бўлиши керак:

- қўл ҳаракатининг тезлиги ўзига йўналганда тезроқ, қарама-қарши йўналишда бўлганда секинроқ бўлиши лозим;
- қўл ҳаракати тезлиги ўнгдан чапга йўналганда тезроқ, чапдан ўнгга секинроқ бўлиши керак;
- қўл айланиш ҳаракатининг бир маромда тезланиши;
- қўлнинг аста-секин илон изи ҳаракати тезлиги қўлнинг йўналишини кескин ўзгартиргандаги тўғри чизиqli ҳаракатнинг тезлигидан каттадир;
- ўтирган ҳолатда қўл ҳаракатининг тургандагига нисбатан тезлиги;
- унча катта бўлмаган оғирликда қўл ҳаракатининг аниқлиги;
- бармоқ билан бажариладиган ишларда аниқ ҳаракат;

- қўл бармоқлари билан бажариладиган янада аниқ ҳаракатлар горизонтал ҳолатда тирсакнинг $50-60^\circ$ ва елкаларнинг $30-40^\circ$ да бўлиши керак;
- оёқнинг максимал даражадаги ҳаракати ўтирган ҳолатда рўй беради;
- турган ҳолатдан кўра ўтирган тарзда оёқ товони билан бажариладиган ҳаракат тезлиги ва частотаси.



1-расм. Ишчининг бир пичоқли қоғоз қирқиш машинасидаги асосий иш ҳаракати
 а-қоғоз тўпламини кўтариб берувчи машинаси; б-қоғоз тўпламини кўтариб берувчи машина билан.

ХУЛОСА

Хозирги кунда мамлакатимиз босмахоналарида босиш жараёнларини такомиллаштиришда бозор иқтисодиёти шароитида қандай маҳсулотларга эҳтиёж катталиги ўрганилган ҳолда лойиха амалга оширилади. Матбаа соҳасида маҳсулотлар турининг кўпайиши натижасида ўраш ва қадоқлашга бўлган талаб ўсиб бормоқда. Маҳсулот турининг кўпайиши ўраш ва қадоқлашнинг дизайни ва шакллари рағли қилиб ишлаб чиқариш тезкорлик билан чоп этиб тайёрлаб бериш талаб этилмоқда. Маҳсулотлар буюртмачининг талабига мувофиқ рангли ҳамда оқ қора кўринишида тайёрланиши мумкин.

Ҳар бир корхона, цех ёки бошқа ишлаб чиқариш бўлимлар стандартларда белгиланган қонун –қоида талабларига амал қилиши керак. Корхонанинг худудида ва ишлаб чиқариш хоналарида транспорт йўллари тузилиши ва юкларни жойдан-жойга ташиш жараёнлари хавфсизлик талабларига мос келиши керак. Биноларнинг темир йўл транспорти ва автомобиль транспорти ҳаракати худудига чиқувчи барча дарвоза ва эшиклари ҳамда йўл белгилари ўрнатилган бўлиши шарт.

Ёритилганлик даражаси ва иш жойларидаги шовқинлар умумий талабларда кўрсатилган қийматлардан ошмаслиги керак.

Корхонада барча ёнғин хавфсизлик чоралари замон талаб даражасида ўрнатилган.

Босмахонада босиш ускуналарини жорий қилиниши аҳолининг матбаа маҳсулотларига бўлган талабини қондириш билан бир вақтда янги иш ўринларининг ташкил қилинишига ва ишлаб чиқарилаётган нашрлар сифатининг ошишига ҳам хизмат қилади. Лойихада қўлланилган техникавий ечимлар бугунги кундаги жаҳон матбаа саноати техника ва технология талабларига тўлиқ жавоб беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. Тошкен: Маънавият, 2008 йил.
2. Каримов И.А. Асосий вазифамиз-Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини. Т.: «Ўзбекистон», 2010 й.
3. Зирнзак Л.Ф., Леймонт Л.Л., Самарин Ю.Н., Штоляков В.И. Печатные системы фирмы Heidelberg. Листовые офсетные печатные машины. – М.: МГУП, 1998.
4. Штоляков В.И. и другие. Печатные системы фирмы Heidelberg. Офсетные печатные машины. – М.: МГУП, 1999.
5. Чехман Я.И., Сенкус В.Т., Бирбраер Е.Г. Печатные машины: Учебник. - М.: Книга, 1987.
6. Ешбаева У.Ж. Босиш ускуналари. Тошкент, 2006.
7. Раскин А.Н. и др. «Технология печатных процессов» М.:Книга, 1999.
8. Митрофанов В.П., Тюрин А.А., Бирбраер Е.Г. и др. Печатное оборудование. - М.: Мир книги, 1996.
10. Ўзбекистон Республикасининг “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуни Тошкент, 1993 й.
11. В.С.Алексеев, Е.О.Муродова, И.С.Давыдова. Безопасность жизнедеятельности «Проспект» Москва-2006 г.
12. О.Кудратов, Т.Ғаниев. Ҳаётини фаолияти хавфсизлиги. Тошкент. «Меҳнат»-2004.
13. Ҳ.Э.Ғоипов. Меҳнат муҳофазаси. Тошкент. «Меҳнат»-2000.
14. Ғ.Е.Ёрматов. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги (Маъруза матнлари тўплами), Тошкент-2003
15. Безопасность жизнедеятельности. Под общей редакцией доктора техн. наук, профессора С.В.Белова. Москва, «Высшая школа» 2003.
16. <http://www.r-cr.ru>
17. <http://www.ipris.ru/index.htm>
18. <http://www.pechatnoedelo.ru>
19. <http://print-salon.ru/>